

Assalomu alaykum, azizlar!

MARKAZIY FARG'ONA

YOZYOVON
TUMANI
HOKIMLIGINING
GAZETASI

Gazeta 1953-yil 9-iyuldan chiqqan boshlagan

www.markaziyfargona.uz

2023-yil, 2-fevral, payshanba № 5 (7537)

Хар бир давлат
органи қундалик
фаолиятида ОАВ
билан яқин
мулоқот ва ҳамкор-
ликни йўлга
қўйиши
зарур ва шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

АОКА ДИРЕКТОРИ ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



Вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Хўжаев 1 февраль куни фарғоналик журналист ва блогерлар билан учрашди. Учрашувда медиа макондаги энг муҳим

мавзулар муҳокама қилинди.

Давра суҳбати тарзида бўлиб ўтган йиғилишда агентлик директори иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2023 йил 30 январдаги топшириғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти



Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифини оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритишни ташкил этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Илгари давлат раҳбарининг вилоятларга ташрифи фақатгина марказий нашрлардагина ёритиларди. Йиғилишда маҳаллий ОАВ кенг ёритиш, ташриф давомида тилга олинган масалаларни 2023 йил медиа режасига киритиш бўйича таклифлар айтилди.

Жойларда ўтказилаётган пресс тур ва матбуот анжуманлари

юзаси бўлаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Муҳаммаджон Обидов, вилоят телерадиокомпанияси директори ўринбосари Зуфаржон Султонов, адлия бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Элёр Эксанов, ижтимоий тармоқ фаоли Маъруфа Солиева, блогер Элёр Тожибоев ва бошқалар йиғилишда ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини айтдилар ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ.

ҚЎШИМЧА КВОТАЛАР КИРИТИЛАДИ

Президентимиз томонидан шу йилнинг 20 январь куни "Ички ишлар органларини халқчил тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисидаги низоом ҳам тасдиқланди.

Эндиликда низоом билан ички ишлар органларида хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган дастлабки синов муддати бир йил этиб белгиланди. Худудий ички ишлар органлари эҳтиёжини инобатга олиб, Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари битирувчилари учун Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриятнинг "ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ва "Тезкор қидирув фаолияти" таълим йўналишларига, тўлов-контракт асосида ўқитишни назарда тутган ҳолда, 200 нафаргача қўшимча ҳар йиллик қабул квотаси киритиладиган бўлди.

Ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш бўйича номзодларни танлашнинг адолатли, ҳолис ва шаффоф тизимини яратиб, ўрнатилган тартибларни тубдан соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амага ошириш ҳам қарор билан белгилаб қўйилди.

Соҳада истиқболли ёш раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришнинг янги тизимини жорий этиш, уларнинг фаолиятини тизимли мониторинг қилиш ва доимий равишда ўқитиб бориш механизмлари ҳам сифат жиҳатидан янгича кўри-нишда йўлга қўйилади.

Фахриддин АХМЕДОВ,
ИИБ ҳузуридаги жазони ижро этиш
департаменти иккинчи минтақавий
мувофиқлаштириш маркази КБИГ катта
инспектори, подполковник.

ОҚИЛА АЁЛЛАР СУМАЛАК СОЛИШДИ



"Оқила аёллар" ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан "Миллий қадриятларимиз – миллий бойлигимиз" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Бунда туман хотин-қизлар бўлими раҳбари ҳамда оқила аёллар ҳаракати аъзолари иштирок этишди.

Семинарда ўзбек миллий қадриятларимиз, унутилиб бораётган урф-одатларимиз ва маросимларни келажак авлодга ўз маъно-мазмунини, ўзгартирмасдан етказиш, ушбу қадриятларнинг асл моҳиятини тушунириш борасида сўз юритилди. 24-ДМТТ жамоаси томонидан миллий қадриятларимиздан "Юз очди" маросими бадий саҳна кўриниш тарзда намойиш этилди. Семинар иштирокчилари учун миллий таомлардан иборат дастурхон ёзилди. Юрт тинчлиги, фаровонлигини тилаб дуо қилинди.

Тадбир ташкилотчиси "Оқила аёллар" ҳаракати туман бўлими раҳбари Мақсудахон Қобулова бошчилигида миллий қадриятларимиздан ҳисобланган сумалак ҳам қозонга солинди. Яхши ниятлар, эзгу тилаклар тилаб оқила аёлларимиз сумалак пиширишди. Кўпчилиكنинг эзгу тилаклари билан солинган сумалак тотли бўлди.


Маҳмуджон ОЛИМОВ.

"Марказий Фарғона" газетасининг 70 йиллигига

70 ЙИЛЛИККА МИЛЛИОН

"Марказий Фарғона" газетаси муассис Ёзёвон тумани ҳокимлиги томонидан доимо қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Шаҳар-туманларни қўя турайлик, 105 йиллик тарихга эга "Бухоронома" газетаси журналистлари таҳририятимизнинг замонавий биносини ҳавас қилишадди. Чунки у вилоят газетаси бўлишига қарамай ўз биносига эга эмас экан-да!

Ижтимоий тармоқларда Сирдарё вилояти ҳокими "Янги Сирдарё" газетаси таҳририятига ташрифи, Сурхондарё вилояти ҳокими журналистлар билан учрашуви ҳақида хабарлар



берилди. Бу, албатта яхши. Лекин Ёзёвонда бундай ишлар аллақачон аъёнага айланган.

Узининг 70 ёшини нишонланадиган йил ҳам "Марказий Фарғона" газетаси учун ҳар томонлама муваффақиятли бошланди. Газетамизнинг биринчи сони ўз вақтида 4 январь куни 2800 нусхада чоп этилди. Газетамиз фақат босма нашр бўлиб қолмай, ижтимоий тармоқлардаги обуначиларга хабар, видеороликлар тақдим этиб келмоқда.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги "Марказий Фарғона" газетаси моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш учун 70 миллион сўмдан ошиқ маблағ ажратиб, замонавий видео камера ва барча керакли ускуналари билан таъминлаб берди.

Олимпиада

АЛ-ХОРАЗМИЙ ОЛИМПИАДАСИ
ҒОЛИБЛАРИ АННОҚЛАДИ

4-умумий ўрта таълим мактабида 7-8-синф ўқувчилари ўртасида математика, кимё, биология ва физика фанлари бўйича Ал-Хоразмий олимпиадаси ўтказилди.

Олимпиада очик-ошкоралик ва шаффофлик билан ўтказилди. Якуний натижаларга кўра, математика йўналишида 1-ўринни 36-мактаб ўқувчиси Расулжон Турсунов, 2-ўринни 36-мактаб ўқувчиси Ойбек Ҳақимов, 3-ўринни 36-мактаб ўқувчиси Ҳайдарали Юнусов эгалладилар.

Биология йўналишида 1-ўринга 16-мактаб ўқувчиси Робияхон Абдуллаева, 2-ўринга 16-мактаб ўқувчиси Асфандиёр Акбаралиев, 3-ўринга 12-мактаб ўқувчиси Лазизбек Иброҳимов муносиб кўрилди.

Кимё йўналишида 1-ўрин 16-мактаб ўқувчиси Муҳлисбек Нуриддиновга, 2-ўрин 18-мактаб ўқувчиси Матлубахон Ёқубовага, 3-ўрин 22-мактаб ўқувчиси Дилнура Алишеровога насиб қилди.



Физика йўналишида 1-ўринни 4-мактаб ўқувчиси Ўғилой Ғофурова, 2-ўринни 36-мактаб ўқувчиси Зухриддин Маҳмудов, 3-ўринни 19-мактаб ўқувчиси Мадинахон Валижонова эгалладилар.

Ғолиб ўқувчиларимизга вилоят босқичида ҳам омад тилаб қоламиз.

Ғозилжон ЮЛДАШЕВ,
туман ХТБ мудири.

Газетада босилмади
аммо...

ЧОРА-ТАДБИРЛАР
БЕЛГИЛАНДИ

"Марказий Фарғона" газетаси телеграм каналда "Борида қадрига етайлик" номли мақола эълон қилиниб, унда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли юқумли касалликлар бўлими биносининг аҳволи танқид қилинганди. Танқидий мақолага расмий муносабат олдик.

"Ёзёвон тумани ҳокимлиги "Марказий Фарғона" газетасининг телеграм каналида "Борида қадрига етайлик" номли мақолада юқумли касалликлар бўлимидаги беморлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш давомида юқумли касалликлар бўлимининг биноси ва хоналари таъмирлашга ўта муҳтожлиги кўрсатиб ўтилган. Юқумли касалликлар бўлими биноси 1998 йил январь ойида фойдаланишга топширилган бўлиб, деярли ўтган 25 йил мобайнида таъмирланмаганлиги сабабли ҳозирги кунда ҳақиқитан ҳам капитал таъмирлашга муҳтож аҳволдалиги тўғри. Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти туман ҳокимлиги ёрдамида зудлик билан юқоридаги кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар тузиб олинди.

Режага асосан 2023 йил давомида 22 ўринли юқумли касалликлар бўлими биноси маҳаллий бюджет ҳисобидан, 20 ўринли реабилитация бўлими биноси ҳамда ёрдамчи бўлимлар бинолари давлат-хусусий шерикчилик маблағлари ва пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан капитал таъмирлашдан чиқарилади.

Тошмуҳаммад САРИМСАҚОВ,
Ёзёвон тумани тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи".

ТАҲРИРИЯТДАН: телеграм каналимизда эълон қилинган танқидий мақолага тезлик билан муносабат билдиргани учун туман тиббиёт бирлашмаси раҳбариятига раҳмат.

Қолаверса, мақолага бефарқ бўлмай ўз фикрларини билдирган ватанпарвар юртдошларимизга ҳам миннатдорчилик билдирамиз.

ТАШКИЛОТИМИЗГА
ТАНТАНАЛАР
ЯРАШАДИ

Сўнгги йилларда юртимизда болаларни боғчаларга қамраб олиш бўйича бир қанча самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда ва давом этмоқда.

Хусусан туманимизда МТТлар учун янги бинолар қурилди ёки реконструкциядан чиқарилди. Бу ўз навбатида болаларни боғчага қамров даражасининг ортиб боришга имкон яратади.

Туманимиз масъуллари ёрдами билан бизнинг ташкилотимиз ҳам янги йил арафасида қайтадан замонавий, шаҳарлардагидан қолишмайдиган даражасида қуриб, битказилди. МТТда фаолият олиб бораётган барча ходимлар маза қилиб ишлаб, болажонларга тарбия берамиз.

Шунингдек, юртимизда нишонланадиган барча байрам тадбирлари ташкилотимизда ҳам ўтказилиб борилади. Шундай тадбирлардан бири 30 январь Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов туғилган куни муносабати билан хотира тадбири нишонланди. Тарбиячилар томонидан тарбияланувчиларга мустақиллик йилларидан то ҳозиргача босиб ўтган йўлимиз ҳамда эришган ютуқларимиз ҳақида гапириб бердилар. Болажонлар Ватанни мадҳ этувчи шеър, куй-қўшиқлар ижро этишди.

Ташкилотимизда бундай тадбирлар яна давом этади.

Нозимахон АҲМАДЖОНОВА,
21-ДМТТ мусиқа раҳбари.

МАЪРИФАТЛИ
БУВИЖОНЛАР

Оилаларда китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида туман ахборот-кутубхона марказида «Маърифатли бувижонлар» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими бош мутахассиси Гулбаҳор Аҳмадалиева, бувижонлар Муқаддасхон Чопқиева, Ёқутхон Мақсудова ва китобхон ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирда бувижонлар умр йўлларида эришган ютуқлари, ҳаёт кўникмалари ҳамда инсон учун фойдали бўлган тавсияларни гапириб бердилар. Ёшлиқдан китобга меҳр қўйган бувижонлар ҳаёт йўлларини ҳам китоб билан давом эттиришди. педагогика соҳасида узоқ йиллар фаолият олиб борган, ёшларга таълим-тарбия берган бувижонлар бугунги кунда оилада набираларига таълим-тарбия бериб келишмоқда.

Учрашувда бувижонларнинг панд-насиҳатларини тинглаган ёшлар ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Тадбирдан кўзланган мақсадга эришилди.

Маҳмуджон ОЛИМОВ.

ҲАРАКАТ
ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8-август кунги қарорига асосан, Қорасой МФИда 15 кишидан иборат «Оқила аёллар» ҳаракати ташкил этилди. Ушбу жамоатчилик асосидаги гуруҳга маҳалладаги обрў-эътиборга лойиқ бўлган, энг аввало фарзанд тарбиясига, ёшларга тарбиявий таъсир эта оладиган, хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни юксалтиришга ҳисса қўшадиган фаол ва ташаббускор аёллар танлаб олинди.

Ҳаракат аъзолари иштирокида маҳаллада, таълим даргоҳларида салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаракат аъзолари Насиббахон Жумабоева, Ферузахон Юлдашова, Зулфияхон Содиқова, Хислатхон Йўлдошева иштирокида 24-, 25-мактабларда таълим олаётган 5-11-синф ўқувчи қизларига "Қиз бола одоби билан гўзал", "Оила муқаддас" мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Давра суҳбатида қизларимиз оила, маҳалла, жамиятимиз шаъни ва кўрки эканлиги каби тушунчалар берилди. Ўқувчи-қизларимиз давра суҳбатидан ўзларига керакли маънавий озуқа олдилар.

Оқилахон СОДИҚОВА,
Қорасой МФИ хотин-қизлар фаоли.

ВИЛОЯТДА ҒОЛИБ

Мақтабимизда турли фанлардан ўқувчилар қизиқишлари бўйича тўғараклар ташкил этилган. Худоберди Аҳмаджонов жисмоний маданият фанидан ўқувчиларга ўз билимларини ўргатиш билан биргаликда спорт тўғаракларини ташкил этган. Ўқувчиларимиз волейбол, баскетбол, бодминтон, гандбол ҳамда шахмат-шашка тўғаракларига мунтазам қатнашиб келишмоқда.

Вилоят миқёсида "Шахмат ақл чархи" мусобақасида 7-10 ёшли қиз болалар ўртасида

туманимиз шаънини ҳимоя қилган 3-"Б" синф ўқувчиси Соҳибжамол Исмоилова бу мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

Мақтабимиз туман марказидан олисда жойлашган бўлишига қарамай Нодирбек Абдусатторов, Жавахир Синдоров сингари Ўзбекистон номини дунёга танитаётган шахматчиларга издошлар табиялаётганимиздан хурсандмиз.

Гулноз МАМАЖОНОВА,
32-мактаб амалиётчи психологи.

Долзарб мавзу

ЙЎЛ КИРА НАРХЛАРИДАН
ОДАМЛАР РОЗИМИ?

Ҳозирги кунда қўшни туман ёки шаҳарга, ҳаттоки пойтахтга бораман, десангиз транспортдан муаммо йўқ. Уйингизда ўтириб, машина қақира оласиз.



Бу борада муаммо йўқ. Лекин бу айтаётган уловлар енгил машина-таксиларга тегишли. Биз жамоат транспорти масаласи ва йўл кира нархлари билан қизиқдик.

Бугунги йўл ҳақларидан одамлар розими?

Бу бўйича туманимиз марказида йўналишда қатновчи автобус ва "Дамас"лар тўхташ жойида бўлиб, ҳайдовчи ва йўловчилар билан суҳбатлашдик.

— Ҳозирги кунларда уч марта Ёзёвон-Фарғона йўналишида 23 минут ораликда бориб-келяпмиз, — дейди 314-автобус ҳайдовчиси Ҳомиджон Собиров. — Фарғонагача йўлқира 6 минг сўм. Кунда бир марта Фарғонада автобуслар учун ташкилланган газ қуйиш шаҳобчасидан газ тўлдирамиз. Ҳозирги кунда енгил машиналарда йўл кира нархи баландлиги боис одамларнинг кўпи бизга чиқишмоқда. Газлар аввалги ҳолатга

қайтса, одамлар ўзини енгил машиналарга уришади.

Танганинг икки томони бўлгани каби, автобус йўловчилари нима дейди?

— Кунда Фарғонага қатнаймиз, енгил машиналарда кира нархлари кўтарилиб кетган, — дейди йўловчилар З.Мирзаматова ва Л.Фозилова. — Одамларнинг кўпчилиги енгил машиналарга уришининг сабаби, автобусларнинг қатнашларидаги оралик вақтлари 30 минутгача бўлиб кетишидир. Ярим соатгача ҳар қандай шошилиб турган одам борки, ноилоҳ йўл қиранинг қимматлигига ҳам қарамай енгил машинага ўтиришга мажбур бўлади.

"Дамас"чилар билан суҳбатлашиб, фикрларини билдик.

Ҳозирда бензинда юрганликлари сабабли, кира нархи ошганлигини, "метан"лар иш фаолиятини бошласа, аввалги нархларга қайтишларини билдиришди.

Ҳа, айтганча туманимиздаги автобуслар тўхташ жойидан фойдаланаётган тадбиркор бекатда йўловчилар учун шароитни ташкиллаб қўйса, фақат савоб бўлади.

**Раҳматилло ШОДМОНОВ,
Аҳмаджон РАҲМОНҚУЛОВ,
Маҳмуджон ОЛИМОВ,
"Марказий Фарғона" мухбирлари.**

КЕЛИН ҲАМ ҚИЗ!

Маҳалла — жамиятнинг бир бўғини. Ундаги оилалар ҳамжиҳатлиги, фаровонлиги ва тўкин-сочинлиги жамиятни ривожланаётганидан далолат беради. Маҳалладаги оилаларни яраштириш ва уларга қўлдан келганича тўғри йўл кўрсатиш биз — фаоллар зиммасидаги вазифа саналади. Мурсаси келишмай қолган оилалар маҳалла идорасига чақиртирилиб, уларни яраштирилади. Бу ҳаракатлар одатда 90 фоизи ўзини оқлайди, афсуски, қолган 10 фоизини умуман яраштиришга ва бир-бирларини кечиртишларига эришиб бўлмайди. Шундай ҳолларда киши эзилиб кетасан. Ҳозирда оилаларни ажралишига кўпроқ баъзи бир қайноналар аралашуви сабаб бўлмоқда. Ёшлар бир-бирларига меҳрли ва оқибатли бўлиб чиқади. Аммо, хою ҳавасга берилиб кетган баъзи бир қайноналар нимагадир икки ёшни ажралишларига сабаб бўляпти. Аксарият ажримларда юқоридаги қайноналар томонидан баралла ва виқор билан "мен орзу-ҳаваслар умидида ўғлимни уйлантирган эдим, афсуски, зоти паст оилаларга қўда бўлган эканман. Булар на байрамни билади ва на туғилган кунни биладиган", деган гапларини эшитиб, ҳайрон қоласан. Ўғилларини бахтини, оиласи келажagini ҳамда набиралар тақдирини ҳам ўйламай ўзларича қарор чиқаришга уста. Наҳотки, сарпо-суруқ ва тоғаралар инсон тақдирини ҳал этса. Айтинглари, зоти паст, деган сўз аслида кимларга ишлатилади. Менимча зоти паст, деб юртини ва миллатини ҳамда ўз халқига ҳиёнат қилганларга айтилмайди? Бир илож қилиб, келин-куёвларни яраштириб қўйсангиз, қайнона келинга кун бермас экан. Ҳар бир ҳаракатидан камчилик қидириб, ўғлига ва қўни-қўшнилари келинни ёмонлаб келар экан.

Маҳаламизда худди шундай оилалардан бирини яраштирдик. Орадан икки кун ўтиб,



келиннинг отаси-онаси маҳалла идорасига чиқиб, "раис бува қизимизни ўз қўлимиз билан жарликка итаряпмиз экан. Майли, қизимизни олиб кетамиз, фарзанди ҳам бир кунини кўриб кетар, қизимизни сизлар яраштириб қўйганларингдан кейин уйга борганда қайнонаси тинчлик бермаяпти экан", деб қолишди. Яна ўйлаиб қоласан. Маҳалла фаоллари яраштириб қўйганимиздан кейин қайнонани бошқача хурмача қилиқлари кўпайиб кетибди. Бу нима деган гап? Мусулмончилик

қаёқда қолиб кетяпти? Келин ҳам қиз-ку! Ахир шу келин ўша қайнонани зурриёдини давомчисику! Нега бундай қайноналар кўпайиб кетаяпти? Инсонни қадри қаерда қолди?

Шу ва шунга ўхшаш муаммоларни кўриб, қайноналарга шундай дегим келади. "Ҳой калта ўйлаётган ва бу дунё орзу ҳавасларига муккасидан кетган қайноналар! Сизлар ҳам оилани муқаддас, деб ҳисоблайсизми? Бир оилани барбод қилиб, норасидаларни етим қилган инсон Каъбани вайрон қилганчалик гуноҳ олишини биласизларми?"

Юрт тепасида турган отиноийлардаги юқоридаги келтириб ўтилган салбий ҳолатларга эътиборлироқ бўлишни ва маҳалладаги маърака-маросимларда аёлларга чуқурроқ ва таъсирли тушунтириш ишларини олиб боришларини биринчи вазифа этиб, оилани мустаҳкамлаш сир синоатларини шариат йўлида аёлларимизга тушунтириб боришларини илтимос қиламан. Зеро, бу қилаётган ишларимиз юртимизда оилаларни бузилишини олдини олса.

Оила бошлиқлари ҳам жиддийроқ ва ўз оиласи устуни бўлишлари, оиладаги ҳар қандай муаммони фақат ва фақат эркаклар ҳал этишни йўлга қўйишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Мансуржон ИҶОМОВ,
Наврўз МФЙ раиси,
туман кенгаши депутати.**

ФАЙЗЛИ ЭДИ, ЁЗЁВОН!

**Ҳазрат Муҳаммадали
ҳожидомла
Узақовнинг
ёрқин хотирасига
бағишланади.**



Олимига эргашса, адашарми ҳеч авом?! Алломалар ҳикмати — тилларда зикр салом. Уйғоқ қалбни ҳамиша тўлдиради бир калом: "Устоз, Сиз-ла барибир файзли эди, Ёзёвон!"

Ўттиз йилки, минбарда ҳикмат сочди тилингиз, Жисмингиз эл ичра-ю, Яратганда дилингиз, Қолди Сиздан кўп шогирд, аммо шуни билингиз, Устоз, Сиз-ла барибир файзли эди, Ёзёвон.

Шукр, бугун Исломига тўйинмоқда ақлимиз, Ақлимиздан нур олиб, ўнганмоқда хулқимиз. Тобора хур-фаровон яшамоқда халқимиз, Устоз, Сиз-ла барибир файзли эди, Ёзёвон.

Эъозларди ҳар ерда, Сизни, қутлуг сиймолар. Суяр эди сўзингиз, юртимизда авомлар, Кўпдир бошқа олимлар, бордир кўплаб дарёлар, Устоз, Сиз-ла барибир файзли эди, Ёзёвон.

Аллоҳ Сизни дўст билсин, ул Ҳақ раҳмат айласин, Гўзал Фирдавс жаннати, дийдор билан сийласин. Номингизни, Ёзёвон, мудом дилдан қуйласин, Устоз, Сиз-ла барибир файзли эди, Ёзёвон.

**Абу Заҳриддин қори
(Исмоилжон ҳожи ЖАЛИЛОВ).**

РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ
МОҲИАТИ

Ҳар қандай давлатнинг тарихи — бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади.

Аҳолини рўйхатга олиш якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади.

Аҳолини рўйхатга олиш — аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли ҳисобини юритиш амалиёти илк бор милоддан аввалги уч минг йилликдан бошланган. Бу жараён дастлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Японияни қамраб олган. Аҳолини рўйхатга олишдан мақсад солиқ тўловчилар ва аскарликка яроқли аҳоли сонини аниқлаш бўлган. Шунинг учун ҳам, бу аҳоли рўйхатларида асосан эркаклар рўйхатга олинган. Чунки, у пайтларда эркакларнинг иқтисодий ўрни юқори бўлган, солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқлари қатнашган.

Илк ўрта асрларда мазкур тартибот бирмунча такомиллашган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари ҳужаликларнинг ёзма китоблар, кадастрлардаги тавсифлари билан уйғунлашган. Уларда одамлар ёки оилалар эмас, балки уй-жой каби солиққа тортиш бирликлари биринчи ўринга қўйилган.

**Алишер АРАПОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.**

КУТУБХОНАЛАР БОЙИМОҚДА



Жамиятда аҳолини, келажак авлодни китобни севишга, китоб билан ўртоқлашишга ўргатиш бизнинг вазифамиздир.

Бу вазифани адо этиш мақсадида, 30 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида ташкил этилган кутубхона ва китоблар бурчагига "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинма-

си томонидан 33 номдаги 990 та бадий китоблар етказиб берилди. Барча тақдим этилган китоблар маҳалла идораларига жойлаштирилиб, аҳолини китоб ўқишлари учун шароитлар яратилди.

Гулчеҳра ОБИДОВА,
"Маҳалла" жамоат
фонди туман бўлинма-
си ҳисобчиси.

ПСИХОЛОГДАН АҚЛЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Атрофдагилар билан муносабатда бўлиш инсондан муайян кўникмалар талаб этади. Нима ҳам дердик, баъзида ҳатто ўз кўнглимизга йўл топиш ҳам қийин кечади. Таниқли психолог, психотерапевт Михаил Литвакнинг ҳаётий масалаларни ҳал этишда асқотадиган 8 та маслаҳатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

1. Эркак ва аёл мантиғи мавжуд эмас, ақл билан фикр юритиш қобилияти ёки қобилиятсизлиги мавжуд.

2. Дўстлар билан мулоқот қилиш ёқимли, душманлар билан эса - фойдали.

3. Муносабатларга чек қўйиш ва ишдан кетиш борасида ягона ўзрли сабаб мавжуд — юзага келган вазиятда шахсий ривожланишнинг имконсизлиги.

4. Етук бўлмаган шахс кўпинча билади, аммо амалга оширолмайди. Етук шахс нафақат билади, балки амалга оширади. Шунинг учун етук бўлмаган шахс танқид қилади, етук шахс эса амалга оширади.

5. Бахт ортидан қувма, унинг асл маконини топ. Бахт эса сени ўзи топади. Бахт макони қаерда экани-

ни айтишим мумкин — бу сенинг ўзинг. Унга олиб борадиган йўл эса - ўз қобилиятларингни максимал даражада ривожлантиришдир.

6. Орзулар — қобилиятларимиз овози. Мисол учун, мен опера куйлашни орзу қилмайман. Овозим ҳам, эшитиш қобилиятим ҳам йўқ. Агар орзу қилганимда қобилиятларим мазкур орзунини ҳаракатлантирарди. Ўз-ўзидан опера куйлашни бошлардим. Бу ерда муҳими — шошилмаслик, ана ўшанда тезкорлик билан амалга ошади. Агар инсон ўзи ҳақида "Мен ўз орзуларимни амалга ошириш билан шуғулланяпман", дея олса, бу жуда яхши.

7. Инсонларнинг сенга бўлган муносабатини билишни истасанг, уларга ўз режаланг ва орзуларинг ҳақида сўзлаб бер. Сени беркитинча хушламайдиган инсон уларни танқид қилади. Сенга яхшилиқни тилайдиган инсон эса уларни қандай амалга ошириш бўйича маслаҳат беради.

8. Муваффақиятга эриш, хафагарчиликлар ортда қолади.

УЗОҚ УМР КЎРИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР

1. Ёшингни эсдан чиқар

2. Солиштирма

3. Гуруч егин, кўк чой ичгин, гўштни кўкатларга ўраб истеъмол қил

4. Оёқни иссиқ, бошни совуқ қил

5. Кўп жилмайишга ҳаракат қил

6. Ёмонликларни эсдан чиқар

7. Халим бўл, халим бўлсанг сокин бўласан, сокин бўлсанг соғлом бўласан

8. Инсонларни яхши кўр, баъзиларни яхши кўролмасанг — уларга эътибор қилма.




Дўстлик МФЙда "Марказий Фарғона" газетасининг келишини кутиб туришади. Чунки маҳалламизда кўпчилик газетамизни доимо ўқиб боришади.

Айниқса маҳалламиз нуроний оқсоқоллари Ҳайдарали

хожи Шерматов, Абдували хожи Хўжаев ва Ҳасанбой Бойсафаров газетанинг доимий ўқиб, унда чиққан мақолаларни ўзаро муҳокама ҳам қилишади.

Фарҳод ОРИПОВ,
МФЙ раиси.

МОБИЛ АЛОҚА СИФАТИ ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?



Шу кунларда мобил алоқа сифатининг яхши эмаслигидан кўпчилик норози бўлаётгани бор гап. Айниқса интернет фаолиятдан. Бу узилишларнинг сабабини билиш мақсадида "Mobi uz" алоқа компаниясининг техник бўлими мутахассислари билан боғландик.

— Бугунги кунда кўп жойларда бундан салбий ҳолатлар учраб турибди, — дейди "Mobi uz"нинг техник қўллаб-қувватлаш гуруҳи мутахассиси Ботир Набиев. — Қиш мавсуми бироз совуқ келганлиги муносабати билан жойларда электр борасида муаммолар учрамоқда. Бу ўз навбатида компаниямиз томонидан ўрнатилган алоқа база станцияларидаги аккумуляторларнинг тўлиқ қувват олмаслигига олиб келмоқда. Аккумуляторларимиз 100 фоиз тўлиқ қувватланиши учун 5-6 соат вақт талаб этади. Тўлиқ қувват олган аккумуляторларимиз абонентларни икки соат давомида сифатли алоқа билан таъминлаб беради.

Бу салбий ҳолатлар электр энергиясидаги муаммолар изига тушгандан сўнг, йўлига тушиб кетади.

Фарғона вилоятидаги "Mobi uz"нинг техник хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси Ихтиёр Ҳакимов Ёзёвон туманида олиб борилган ишлар бўйича қуйидагича изоҳлади.

— Ёзёвон туманидаги алоқа база станцияларимизнинг аккумуляторларини ўтган йил ёз ойларида тўлиқ янгисига алмаштирганмиз, — дейди И.Ҳакимов. — Алоқа сифатидаги бу узилишлар қолган жойларда ҳам кузатилмоқда. Электр энергияси яхшиланиши билан алоқа сифати ҳам аввалги ҳолатга қайтади.

Мутахассисларнинг тушунтиришларидан шуни билдикки, нафақат "Mobi uz"да балки қолган компания алоқа операторларида ҳам электр-энергиясидаги муаммолар бартираф этилсагина, алоқа сифати яхшиланишига эришилиши мумкин.

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

**ЁЗЁВОНЛИК
ТИББИЁТ
ОЛИМЛАРИ**

**"ФАРОВОН"ДАГИ
ЁЗЁВОНЛИК
ШИФОКОРЛАР**



**Бош муҳаррир
Азимжон
худойқулов**

Фарғона вилоят
матбуот ва
ахборот бошқар-
масида 2007 йил 9
январда
12-011 рақам билан
рўйхатдан ўтган.
Бичими А-3.

ISSN 2010-7986



Газета ҳафтада бир
марта чиқади

Газета
тахририятига
юборилган
сурат ва
қўлёзмалар
қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
150600, Ёзёвон
шаҳарчаси,
Мустақиллик
кўчаси, 1-уй

ТЕЛЕФОН:
(73) 412-15-75

Навбатчи:
**Маҳмуджон
ОЛИМОВ**

Саҳифаловчи:
**Раҳматилло
ШОДМОНОВ**

«ZAKOVAT
NASHRIYOT UYI» МЧЖ
босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили:
Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси-17

**Бичими: А-3.
Адади: 2810
Нашр
кўрсаткичи: 488.**

Буюртма № ____
Босишга
топириш вақти:
20.00.
Топирилди:
18.00.

Газета сифати
учун босмахона,
масъул.
Сотувдаги баҳоси
эркин нархда.
© -тижорат
материали